

## Муҳандислик Йўналиши Мутахассисликларининг Компетенциялари Тизими Ва Коммуникатив Компетентлиги

*Шаропова Шахло Қахрамоновна<sup>1</sup>*

**Аннотация:** Компетенцияларни шакллантиришга алоҳида урғу берилиши таълимнинг ўқув-фан тарафидан мазмунли тарафига (уларнинг кадр-қимматини туширмаган ҳолда) кутилаётган натижаларга ўтказиш назарда тутилади ва компетентли ёндашувга бўлажак мутахассис эгаллаган лавозими томонидан унга қўйилаётган талабларга мослиги билан бир қаторда рағбатлантирувчи меҳнат бозорининг талабларига мос келувчи шахсий касбий қобилиятларни ривожлантириш зарур.

**Калит сўзлар:** муҳандислик компетенциялари, билим ва кўникма, компонентлар.

Муҳандислик йўналиши мутахассисликларининг компетенциялари тизимини аниқлаш учун биринчи навбатда муҳандислик касбининг таърифига мурожаат қилиш лозим. Ушбу таъриф лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва технологик, тадқиқотчилик, ташкилий бошқарув, ишлаб чиқариш ва созлаш, сервис ва хизмат кўрсатиш ва бошқа фаолият турларини ўз ичига оладиган муҳандислик фаолиятининг таркибий қисмлари ва вазифаларини кўриб чиқишга асосланган.

Давлат таълим стандартларида (ДТС) муҳандислик математика, фан ва технология соҳаларида, бизнес ва бошқарув соҳаларида билим билан интеграцияланган ва махсус таълим ва амалий тажриба орқали олинган кўникма ва малакаларни қўллаш ва такомиллаштиришга қаратилган касб сифатида тавсифланади. Муҳандисликнинг қўлланиш соҳаси инфратузилмани яратиш, давлат эҳтиёжлари ва саноат эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришдир. Интеллектуал жиҳатдан муҳандиснинг фаолияти кўп жиҳатдан билимлар интеграциясига асосланган синтезлаш, лойиҳалаш ва инновациялар билан боғлиқ. Муҳандислик фаолияти, касбий ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолият сифатида, техника олий таълим муассасалари битирувчилари томонидан эгалланган компетенциялар билан узвий боғлиқ бўлган муҳим хусусиятлари мажмуи орқали аниқланади.

Олий таълимнинг йўналиши, мақсади ва мазмунини белгилашда қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун компетентликка асосланган ёндашувдан фойдаланиш энг маъқул йўл ҳисобланади. Унинг ортидан таълимнинг "инсон тараққиёти", ижодий ташаббускорлик, талабаларнинг мустақиллиги, рақобатбардошлиги ва бўлажак муҳандисларнинг ҳаракатчанлигига кўпроқ йўналтирилишига кўмаклашади

В.И.Байденко компетенциялар "... малака, кўникма, билим ва тушунишни (академик соҳанинг назарий билимлари, билиш ва тушуниш қобилияти), қандай ҳаракат қилишни билиш (муайян вазиятларга билимларни амалий ва тезкор қўллаш), қандай бўлишни билиш (ижтимоий соҳада бошқалар билан мулоқот қила олиш)ни ўз ичига олади. Компетенциялар-бу муайян шахснинг ушбу компетенцияларни амалга оширишга қодир бўлган даражасини тасвирлайдиган хусусиятлар (билим ва уни қўллаш, лавозимлар, кўникмалар ва масъулиятлар билан боғлиқ) комбинациясидир".

Бизнинг тадқиқотимиз учун И.А.Зимнянининг коммуникатив компетентлик бўйича берган таърифи муҳим аҳамиятга эга: "жуда мураккаб шахсий таълим, унинг мавжудлиги ва табиати, биз хулқ-атворда, фаолиятда ва авваламбор, инсоннинг нутқ фаолиятида намоён бўлишидир".

<sup>1</sup> "ТИҚХММИ" МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти



И.А.Зимняяга кўра коммуникатив компетенциянинг таркибий қисмлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. нутқ фаолияти, мулоқот шартлари ёки унинг ижтимоий-маданий жихати сифатида фикрларни шакллантириш воситалари ва усуллари;
2. тил коммуникатив қобилиятлари;
3. фанга қадриятли муносабат, нутқ фаолиятининг шарт-шароитлари;
4. шахс шахсий регламентининг таркибий қисми сифатида нутқ маданиятини эмоционал иродавий тартибга солиш;
5. субъектнинг фаолиятга тайёрлиги.

Касбий компетентликни касбий фаолиятни самарали амалга оширишни таъминлайдиган умумлаштирилган ҳаракат усули сифатида кўриб чиқиш, коммуникатив компетентликни касбий компетентликнинг ажралмас қисми сифатида тан олиш керак, чунки касбий фаолият ёзма ва оғзаки мулоқот актидан ташқарида бўлиши мумкин эмас.

Замонавий олий таълим мақсадлари ва уларга эришиш йўлларини муҳокама қилиш сўнгги икки ўн йилликда юз берган муҳандислик касбий фаолияти мазмунидаги муҳим ўзгаришларни ҳисобга олмасдан иложи йўқ. Бу ерда ҳал қилувчи омиллар ижтимоий-маданий соҳадаги глобал ўзгаришлар (хусусан, меҳнат бозорларининг глобаллашуви, халқаро билим базаларидан фойдаланиш имконияти), ахборот технологияларидан фойдаланиш (knowledge based industry), техноген омиллар, унинг натижалари учун касбий фаолиятга масъулият даражасини ошириш, фанлараро вазибалар пайдо бўлиши ва бошқалар. Шу муносабат билан, сўнгги ўн йилликларда асосий касбий компетенциялар ва уларнинг таркибий қисмлари сони ортиб бормоқда. 1.1-жадвалда R.H.Jones томонидан компетенциялар мазмуни келтириб ўтилган.

**1-жадвал Муҳандислик компетенциялари**

Компонентлар	Компонентлар тавсифи
Техник	Математик фикрлаш қобилияти
	Фундаментал фанлар соҳасидаги билимларга эгаллик
	Ихтисослик ва умумкасбий фанлар бўйича билимга эгаллик
	Билим ва кўникмаларни эгаллаганлик
Шахсий	Таълим олишга ҳоҳиш ва қобилият
	Ўз билимини ўзи баҳолай олиш
	Субъектлараро коммуникативлик қобилияти
	Халқори ҳуқуқ ва қоидаларни қабул қила олиш
Касбий	Юқори стандартларни қабул қилиш
	Шахсий жавобгарлик ва этик ҳуқуқ ва нормаларни кузатиш қобилияти
	Ностандарт шартларда касбий фаолият олиб бриш қобилияти
	Чет тилида касбий коммуникацияларни эффективлаштириш қобилияти
Бошқарув	Гуруҳ бўлиб ишлаш қобилияти
	Бошқарув қобилияти ва концепцияни қабул қила олиш
	Молиявий ва техник ресурсларни бошқариш қобилияти

Шуни таъкидлаш мумкинки, инсон ҳар қандай соҳада билимга эга бўлиб, уни амалга ошириш, фаолиятга йўналтирилган ҳаракатларда оператив даражада фойдаланиш шarti билан ва бу билим соҳасига хос категориал аппаратдан фойдаланилади. Фаолият актларида билимлардан такроран фойдаланиш, кўникмаларининг вазиятли шаклланишига, тегишли касбий сўз бойлигининг шаклланишига олиб келади. Шу маънода билим ва кўникмаларни эгаллаш шахснинг фаолиятни, хусусан, касбий фаолиятни бажаришга тайёр эканлигини кўрсатади.

Компетенцияларни шакллантиришга алоҳида урғу берилиши таълимнинг ўқув-фан тарафидан мазмунли тарафига (уларнинг кадр-қимматини туширмаган ҳолда) кутилаётган натижаларга



ўтказиш назарда тутилади. Бунда кўникмаларга алоҳида эътибор қаратилганига қарамай, компетентли ёндашувга бўлажак мутахассисга эгаллаган лавозими томонидан унга қўйилаётган талабларга мослиги билан бир қаторда рағбатлантирувчи меҳнат бозорининг талабларига мос келувчи шахсий касбий қобилиятларни ривожлантириш зарур.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения. - М., 1990.
2. Махкамова М.У. Техника олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида талабаларда ахборот маданиятини шакллантириш. Пед.ф.ф.док.(PhD) дисс.автореф. -Т.2019.-48 б.
3. Методика преподавания иностранных языков в высшей школе / под ред. С.Г. Тер-Минасовой. – М.: Изд-во МГУ, 1993. – 136 с.
4. Jones R.H. Creativity in Language Teaching: Perspectives from Research and Practice. – New York: Routledge, 1992. - 284 p.
5. Qahramonovna, S. S. (2020). TEACHING FOREIGN LANGUAGE USING INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGY IN PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL ASPECTS. International Engineering Journal For Research & Development, 5(8), 5-5.
6. Sharopova, S. K. (2018). PECULIARITIES OF ARTICLE OMISSION IN MODERN ENGLISH LANGUAGE. Теория и практика современной науки, (4), 594-596.
7. Sharopova, S. Q. (2017). INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA OMONIM VA SINONIM SO'ZLARNING TAHLILI. Интернаука, (9-3), 50-52.
8. Sharopova, S. K. (2016). ANALYSIS OF SYNONYMS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES. Ученый XXI века, (6-1), 60-62.
9. Шаропова, Ш. К. (2018). Развитие системы профессионально-ориентированного обучения иностранным языкам в техническом вузе на основе предметно-языковой интеграции. Школабудущего, (4), 123-129.
10. Shahlo, S. (2020). PEDAGOGICAL CONDITIONS FOR THE FORMATION OF TRUE AUTHORITY OF THE TEACHER. INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION, 1(3), 21-26.
11. Шаропова, Ш. К. (2018). КОММУНИКАТИВНЫЙ ПОДХОД К ИЗУЧЕНИЮ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА. АКАДЕМИЧЕСКОЕ ПИСЬМО. ББК 1 Р76, 119.
12. Шаропова, Ш. РАБОТА С ПРОФЕССИОНАЛЬНЫМИ ТЕКСТАМИ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ ТЕХНИЧЕСКОЙ НАПРАВЛЕННОСТИ КАК СРЕДСТВО ФОРМИРОВАНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОГО СПЕЦИАЛИСТА. Проблемы та перспективирозвитку сучасної науки в країнах Європи та Азії, 43.
13. Sharopova, S. K. (2018). THE ROLE OF GAMES IN TEACHING ENGLISH. Теория и практика современной науки, (4), 596-598.
14. Шаропова, Ш. К. (2016). СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СИНОНИМОВ. Ученый XXI века, 70.
15. Sharopova, S. Q. SEMANTIC PECULIARITIES OF SYNONYMS. УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА, 69.
16. Шаропова, Ш. К. (2016). СОЕДИНЕНИЕ ПСИХОЛОГИИ И ЛИТЕРАТУРЫ. Ученый XXI века, (2-2).
17. Шаропова, Ш. К. (2016). АНАЛИЗ СИНОНИМОВ В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ. Ученый XXI века, 62

